



# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТУШУНЧАСИНИГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ТУРЛАРИ

**Чориев Махмуджон Аҳмад ўғли.** ИИВ Академияси, Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси ўқитувчиси, катта лейтенант. Илмий мутахассислиги: 12.00.13 – Инсон ҳуқуқлари. ORCID: 0000-0003-3990-1191.

**Чориев Махмуджон Аҳмад ўғли.** Преподаватель кафедры государственно-правовых дисциплин и защиты прав человека Академии Министерства внутренних дел, старший лейтенант. Научная специальность: 12.00.13 - Права человека. ORCID: 0000-0003-3990-1191.

**Choriyev Mahmudjon Ahmad o'g'li.** Teacher of the Department of State-legal disciplines and ensuring of human rights of the Academy of the Ministry of Internal Affairs, senior lieutenant. Scientific specialty: 12.00.13 Human rights. ORCID: 0000-0003-3990-1191.

**Аннотация:** Мақолада Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро механизмлар тақомиллаштириши билан боғлиқ масалалар алоҳида ўрин эгаллаган. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича органларига умумий тавсиф ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органларининг ташкилий асослари келтириб ўтилган. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ёрдамчи органларининг вазифа ва ваколатлари. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органлари ва улар фаолиятининг самарадорлиги, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмиталари томонидан квази суд органи сифатида кўрилган ишлари таҳлилини янада ривожлантиришининг устуворлигини таъминлашга қаратилган қатор тақлиф ва тавсиялар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** “ҳуқуқ” ва “эркинлик”, квази суд, инсон ҳуқуқлари, БМТ, сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, “Инсон ҳуқуқлари умумжасон декларацияси”, “инсон ҳуқуқлари бўйича устав”.



Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ғояларнинг вужудга келиши ва инсон шахси қадрланиши доир тасаввурларнинг шаклланиши замоновий дунёнинг тарақиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Инсоннинг шахси юксак қадрият эканлигининг эътироф этилиши ва инсон ҳуқуқини таъминланишига риоя қилиниши давлатларнинг демократлашуви, шунингдек давлатлараро муносабатларнинг цивилизациялашганлиги рамзига айланди. Улар шахс ва ҳокимиятнинг ўзаро муносабатларида унинг устун ролини эътироф этган ҳолда эзгулик, адолат, эркинлик, тенглик, демократизм, раҳм-шафқат каби универсал умумисоний категорияларни ўзида мужассамлаштириди.

Инсон ҳуқуқлари хақидаги дастлабги қарашлар Милоддан аввалги 539 йилда қадимги Форс давлатида вужудга келади. Қадимги Форснинг биринчи шоҳи Буюк Кирнинг қўшини Бобил шаҳрини босиб олди. Аммо унинг кейинги ҳаракатлари инсоният учун катта ютуқ эди. У қулларни озод қилди, барча одамлар ўз динини танлаш ҳуқуқига эга эканлигини эълон қилди ва ирқий тенгликни эълон қилди.

Унинг бу ва бошқа фармонлари пиширилган лой цилиндрга миххат ёзуvida ёзилган.[1]

Бугунги кунда Кир цилиндири номи билан танилган ушбу қадимий ҳужжат дунёдаги биринчи инсон ҳуқуқлари хартияси ҳисобланади. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча олтита расмий тилига таржима қилинган ва унинг қоидалари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг биринчи тўртта моддасида ўз аксини топган.

**Инсон ҳуқуқларининг ilk бор мустаҳкамланиши миллий хартиялар, декларациялар, конституция нормалари шаклида амалга оширилган. 1789 йилдаги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари француз декларацияси** анча таъсирчан қонунчилик ҳужжати бўлиб хизмат қилади ва унинг тарихда шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг эътироф этилиши ва ҳимоясининг муҳим белгиси бўлганлиги бежиз эмас. Декларациядаги демократик тезиснинг эътиборга молик жиҳати шундаки, унга кўра, ҳуқуқлардан фойдаланиш таъминланмайдиган, ҳокимиятлар бўлиниши амалга



оширилмаган жамият конституциявий ҳисобланмайди (16-м.). Шахсий ҳаёт, мулк, хавфсизлик соҳасидаги, ҳокимиятнинг жавобгарлиги, жумладан диний ва бошқа фикр-мулоҳазалар табиий, ажралмас ва муқаддас ҳуқуқ ва эркинликларга киритилган. Француз Декларацияси билан бир қаторда тарихда инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ифодаланган инглиз Хабеас Корпус Акти, Америка Кўшма Штатларининг Мустақиллик декларацияси, АҚШ Конституцияси ва ҳукуқлар тўғрисидаги Билль ҳамда бошқа бир қатор ҳужжатлар ҳам муайян аҳамиятига кўра ажралиб туради. XX асрнинг бошларида шахс ва давлат ўртасида асосий ҳуқуқ ва эркинликларнинг эътироф этилишига асосланган шартнома муносабатлари принципи Европа, Лотин Америкаси ва мустамлакачилик асоратидан халос бўлган бир қатор Осиё давлатларида қонуний асосда қабул қилинди. Ушбу жараён аста-секин мустақилликка эришган Африка ва Осиё давлатларига ҳам ёйилди.[2]

1948 йилнинг 10 декабря Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Буш Ассамблеяси томонидан том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжат – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эълон қилинди. Унинг матни инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларнинг teng, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлигидан иборат инсонпарварона иборалар билан бошланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 1 моддасида Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳукуқларида эркин ва teng бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждан ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак[3] деб белгилаб қўйилиши бу жудда катта тарихий аҳамият касб этади.

Инсон ҳуқуқлари бирқанча турларга бўлинади ва бу ҳуқуқлар турли давирларда инсониятнинг кураши натижасида қўлга киритилган. Ушбу ҳуқуқ ларга:

**Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар.** Турли мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга нисбатан муносабат турличадир. Тоталитар социализм мамлакатларида уларга алоҳида аҳамият беришади, ва улар



конституцияларнинг фуқароларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари бўлимида биринчи ўринда туришади. Постсоциалистик давлатларда улар табиий хукуқлардан кейинга ўтказилган. Капиталистик давлатлар, шунингдек кўпгина ривожланаётган мамлакатларнинг конституцияларида мазкур хукуқлар бошқа хукуқлар билан биргаликда санаб ўтилади.

Қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай мулкка эгалик қилиш мумкин. Бироқ, кўпгина давлатларда хорижликлар ерга, табиий ер ости бойликларига нисбатан мулк хукуқига эга эмас. Бундан ташқари, баъзи обьектлар муомаладан чиқарилган ва алоҳида шахсларнинг эгалигида сақланиши мумкин эмас (захарлар, қуролларнинг маълум турлари ва ҳоказо). Анъанавий мусулмон хукуқида тўртта “табиий ҳодиса” – тупроқ, сув, ҳаво, олов – умумий фойдаланишдаги предметлар ҳисобланади ва хусусий шахсларнинг эгалигида бўлиши мумкин эмас. Аслида эса кўпгина мусулмон мамлакатларида ер ва сувга нисбатан хусусий мулк аллақачон белгиланган.

**Сиёсий хукуқлар.** Сиёсий хукуқлар ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш, давлат органларини шакллантириш, давлат ҳокимиятига уюшган ҳолда тазийқ ўтказиш (масалан, сиёсий намойишлар йўли билан) билан боғлиқдир. Ушбу хукуқлар, қоида тариқасида, мазкур давлатнинг фуқароларига тегишли бўлади. Фақат баъзи давлатларда ва фақат айрим сиёсий хукуқлардан (масалан, сайлов) фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элликлар (чет элликлар одатда фақат ўзаролик асосида, давлатлар келишуви бўйича) фойдаланишлари мумкин.

Шахсий хуқуқ ва эркинликлар. Биринчи навбатда фуқароларга тааллуқли бўлган сиёсий хукуқлардан фарқли равишда шахсий хуқуқ ва эркинликлар шахснинг мақомини асли ҳолича белгилайди. Улар кўп жиҳатдан инсоннинг табиий хукуқлари концепцияси билан боғлиқдир. Улар сирасига, авваламбор, яшаш хуқуқи киради. Юридик нуқтаи-назардан бу шуни англатадики, инсонни ҳаётидан фақат холисларнинг мажбурий иштироки асосида чиқарилган суднинг хукми билан маҳрум қилиниши мумкин. Аммо



кўпгина (шу жумладан, Европа кенгашига кирувчи деярли барча) давлатларда ўлим жазоси тақиқланган.

Шахснинг муҳим ҳуқуқлари – эркинлик ва шахсий дахлсизлик жисмоний ва руҳий эркинлик. Озодликдан маҳрум қилиш (қамоқ жазоси ва бошқалар) фақатгина суднинг ҳукми билан мумкин. Шахсни қулликда сақлош, кул савдоси аллақачон халқаро ҳуқуқ томонидан инсон табиатига зид бўлган ҳаракат ва оғир халқаро жиноят деб тан олинган.

Юқорида келтириб ўтилган инсон ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституциясида хам ўз ифодасини топган. Конституциямизнинг муқаддимасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга, давлат суверенитети принципларига содиқлигимизни тантанали равишда эълон қилиб, демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқатимизни намоён қилиб, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олдиаги юксак масъулиятимизни англаган ҳолда, давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниб, мамлакатимизнинг бебаҳо табиий бойликларини қўпайтиришга ҳамда ҳозирги ва келажак авлодлар учун асрраб-авайлашга ҳамда атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга астойдил аҳд қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига асосланган ҳолда, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, энг аввало, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларини ҳамкорлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш, тинчлик ва тотувлик асосида мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга интилиб, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни, кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлашни мақсад қилган ҳолда, ушбу Конституцияни қабул қиласиз ва эълон қиласиз,[4] деб белгилаб қўйилган.



Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституциясида инсонларнинг Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, Сиёсий ҳуқуқлар, Иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқлар алоҳида бобларда белгилаб қўйилган.

Умуман олганда Конституция ва инсон ҳуқуqlariga оид барча қонунлар ҳар бир инсон учун, ҳаётий зарур бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни ўзида мужассамлаштириб мустақил давлатимизнинг буюк келажак сари одимлаб боришига асос бўлиб хизмат қиласди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. <https://ru.humanrights.com/what-are-human-rights/brief-history/>
2. А.А. Матчанов “Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси” дарслик Т.2012 й
3. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.2023 йил.  
<https://lex.uz/docs/6445145>